

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ТЎЙ” КОНЦЕПТИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ – ПРАГМАТИК ТУРЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Қочқорова Зулфизар Абдухамид қизи

Фарғона давлат университети, Инглиз тилини ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7377657>

Аннотация. Ушбу мақолада турли тил оилаларига мансуб бўлган ўзбек ва инглиз тилларидаги “Тўй” концептини воқелантирувчи бирликлар коммуникатив – прагматик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари, хусусан, гендер хусусиятлари очиқ берилган.

Калим сўзлар: концепт, вербализатор, прагматик тилишунослик, коммуникатив – прагматик тур (ижобий, салбий, мутлақб номутлақ, реал, афсонавий), гендер хусусиятлар.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ КОММУНИКАТИВНО – ПРАГМАТИЧЕСКИХ ТИПОВ ВЕРБАЛИЗАТОРОВ КОНЦЕПТА «СВАДЬБА» В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация. В данной статье затрагивается сравнительный анализ единиц, вербализирующих концепт «свадьба» с коммуникативно – прагматической точки зрения, в узбекском и английском языках, принадлежащих к разным языковым семьям, их сходство и различие, в частности, гендерные признаки, раскрываются.

Ключевые слова: концепт, вербализатор, прагматическая лингвистика, коммуникативно – прагматический тип (позитивный, негативный, абсолютный, неабсолютный, реальный, мифический), гендерные особенности.

COMPARATIVE ANALYSIS OF COMMUNICATIVE – PRAGMATIC TYPES OF THE VERBALIZERS OF THE CONCEPT OF “WEDDING” IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Abstract. This article touches upon the comparative analysis of the units verbalizing the concept of “wedding” from a communicative and pragmatic point of view, in the Uzbek and English languages, belonging to different language families, and their similarities and differences, in particular, gender characteristics are revealed.

Keywords: concept, verbalizer, pragmatic linguistics, communicative – pragmatic type (positive, negative, absolute, non –absolute, real, mythical), gender features.

КИРИШ

Қиёсланаётган тиллардаги “тўй” концепти вербализаторларини коммуникатив – прагматик жиҳатдан таҳлил қилишдан аввал замонавий тилшуносликнинг чуқур изланишларни талаб этадиган соҳаларидан бири бўлган прагматингвистика борасидаги айрим фикрларга тўхталиб ўтишликни лозим топдик.

Прагматика – (юнонча “иш”, “ҳаракат”) тилшуносликнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланиб, дискурсадаги тил бирликларининг функционаллигини ўрганади. У даставвал фалсафий таълимот сифатида ривожланган, хусусан, Ж. Локк, Э. Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштиришган, бу эса, ўз навбатида, прагматизм оқимининг вужудга келишига туртки бўлган. Прагматизмнинг асосий тараққиёт даври XIX – XX асрлар ҳисобланади, айниқса, XX асрнинг 20-30-йилларида бу оқим ғояларининг кенг

тарғиби сезила бошлаган. Ч. Пирс, Р. Карнап, Ч. Моррис кабиларнинг Америка ва Европада прагматиканинг кенг ёйилишида хизматлари катта бўлди.

Прагматикага берилган турли фикрларни ўрганган ҳолда Ш. С. Сафаров прагматиканинг умумий таърифини қуйидагича тасаввур қилиш мумкинлигини эътироф этади: прагматика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб унинг тадқиқот доирасида мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади [1]. Ушбу қоидалар коммуникация шарт – шароитларига нисбатан, кенг маънодаги контекст сифатида ўрганилади. Лисоний ҳодисаларнинг бу йўсиндаги таҳлили уларнинг қўлланишидаги у ёки бу муҳитда мавжуд бўлган тўсиқлар, чегараланишларни ҳам аниқлашга имкон беради. Лингвистик таҳлилнинг асосий ғояси ҳам лисоннинг табиатини унинг амалий фаолиятда қўлланишига нисбатан ёки бошқача айтганда, бажараётган вазифаси доирасида аниқлашдир [2]. Айнан вазифа (функция) тушунчаси лисон таҳлилига прагматингвистик ёндашувнинг пойдеворидир. Айтиш мумкинки, прагматингвистиканинг худди шу йўналишдаги тараққиёти назарий тилшунослик ва амалий коммуникация ўртасида мавжуд бўлиб турган “узилиш”ларни бир оз торайтиради. Прагматингвистика тадқиқот предметининг кенг миқёсда тасаввур этилиши ушбу соҳанинг турли йўналишларда тараққий этишини тақозо этади [3].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

“Тўй” концепти вербализаторларининг коммуникатив – прагматик хусусиятларини ўрганиш мақсадида таққосланаётган иккала тилдаги турли манбаалар, хусусан, бадий адабиёт намуналари, газета ва журналлардаги мақолаларни кўздан кечириб, мавзу доирасидаги қўлланилган бирликлар тадқиқ қилинди, ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Масалан, ўзбек тилида *уйланмоқ* (*хотин олмоқ*) маъносини ифодалайдиган бирликларнинг айримларини келтириб ўтамиз:

Бир ёстикка бош қўймоқ: У бунга кейин, ўзи ҳам онасига ўхшаган беозоргина бир қизни яхши кўриб, бир ёстукка бош қўйганда тушунди [Н. Қобул, Унутилган соҳиллар, 41]

Бир оиланинг ота – онаси бўлмоқ: Зулфия, ҳўп десангиз, бир оиланинг ота – оналари бўлсак [Ғ. Ғулом, Пуч гаплар, 12]

Бошига рўзғор юмуши тушмоқ: Собиржоннинг ҳам бошига рўзғор юмуши тушди-да энди, а? [Н. Аминов, Қитиғи ўлмаган қиз, 78]

Бошини икки қилмоқ: Кампир шу боланинг бошини икки қилмасам, у дунёда дадасининг юзига қандоқ қарайман, деб ўйларди [С. Аҳмад, Жимжитлик, 208]

Келин қилмоқ: Ўйлаб – ўйлаб, ўша қизни келин қилдик [“Саодат”, 21]

Насибаси қўшилмоқ: Анварнинг сизга ўхшаган қизга насибаси қўшилса, ақли тезроқ кирар эди [А. Қаҳҳор, Кундошлар, 351]

Никоҳ қилдирмоқ: Мени сиёсат билан кўрқитиб, қизимни ўғлига никоҳ қилдирди [Х. Ҳ. Ниёзий, Майсаранинг иши, 93]

Оёғи тўртта бўлмоқ: Жўрангнинг оёғи тўртта бўляпти [Ў. Ҳошимов, Икки қарра икки – беш, 168]

Оила қурмоқ: Ноилахон билан оила қурган кунимизданок, ўзаро хурматни биринчи ўринга қўйганман [“Саодат”, 6]

Ола хўржин (бўйинга, гарданга, елкага) тушмоқ: Ҳар бир йигитнинг бўйинига ола хўржиннинг тушмоғи бор [А. Жумақул, Юракка сиғмаган гаплар, 29]

Тенгини топиб кетмоқ: Ҳарбий хизматдан қайтган, ҳали – бери уйланмайман деган Қодиржон ҳам тенгини топиб кетди [“Сурхон тонги”, 14]

Юлдузига юлдузи қўшилмоқ: Йигитнинг юлдузи қизнинг юлдузига қўшилди [“Саодат”, 32]

Ўзбек тилида *эрга тегмоқ*, *эрга бермоқ* маъносини ифодаловчи бирликлар ҳам талайгина учрайди, масалан:

Бермоқ (бериб юбормоқ): Назокатни бериб юборганимизга ҳам икки йил бўлди [“Саодат”, 9]

Бахтини топиб кетмоқ: Шу қизимдан кўркувдим. Худога шукур, бахтини топиб кетди [“Урганч оқшоми”, 19]

Бир ёстикқа бош қўймоқ: Бу қиз не-не покиза орзу – умидлар билан у билан бир ёстикқа бош қўйди [А. Жумақул, Юракка сиғмаган гаплар, 30]

Бировнинг уйига бормоқ: Қизим, бировнинг уйига борганда, аввало, қайнота – қайнонанинг, хўжайин ва ... раъйига қара [“Аёл ва замон”, 18]

Жойлаштирмоқ: Бунинг устига уч қизни жойлаштирдим [“Саодат”, 21]

Кузатмоқ: Мана, ёлғизгина қизимни ҳам кузатдик [“Гулистон”, 23]

Чиқармоқ: Катта қизини бундан икки йил олдин чиқарган [Чўлпон, Ёркиной, 54]

Қутилмоқ: Охирги қизимдан ўтган йили қовун пишиғида қутилганман [“Туркистон”, 13]

Эгасига топширмоқ: Раънони эгасига топширмагуниimizча, – деди Нигор ойим, – қуйиладиганга ўхшамайди [А. Қодирий, “Меҳробдан чаён, 76]

Куёвга тегмоқ: Ойтўйи опа, энди сиз ... куёвга тегасизми? [С. Сиёев, Саратонда қор ёғди, 74]

Куёвликка хохламоқ: Маҳмуда айтди: ... қайси бирини ёқтирсам, они куёвлиқини хоҳларман [Темурнома, 81]

Оила қилмоқ: Оила қилган қизлар бошда дўппи, атлас қўйлак билан ажралиб туради [“Чимилдик”]

Турмуш қилмоқ: Муҳайёнинг турмуш қилганини эшитиб, ер-у кўк кўзимга қоронғу бўлиб кетди [“Саодат”, 21]

Эр қилмоқ: У тенгилар эр қилиб, болалик ҳам бўлди [П. Қодиров, Авлодлар довони, 107]

Уйли бўлмоқ: Янги келин бўлиб тушган Маликахон ўзига – ўзи: – Наҳотки, уйли бўлганнон бўлсам, ишонгим келмайди, деди [“Саодат”, 10]

Инглиз тилида эса *турмуш қурмоқ* бирлигининг маънодош шакллари сифатида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

Wed: The couple eventually wed after an eighteen – year engagement [CALD]

Get hitched: Is Tracy really getting hitched then? [CALD]

Get married: Chris and Debbie got married last summer [CALD]

Get spliced: Me and the wife, we got spliced yesterday [Reverso context]

Take the plunge: They are finally taking the plunge and getting married [Reverso context]

Be joined in marriage/matrimony: You are about to be joined in marriage to Beatrice, the most beautiful woman in all the realm [CALD]

Tie the knot: So when are you two going to tie the knot? [CALD]

Walk down the aisle: I only wish that Tempe’s mother was here to watch her walk down the aisle [Reverso context]

Take to wife: to marry (woman) [Collins]

Take a husband: get married (man) [Merriam Webster]

Кўринадика, инглиз ва ўзбек тилларида “Тўй” концепти ифодаловчиларининг эркак ва аёлларга нисбатан ишлатилишида фарқли жихатлар мавжуд бўлиб, уларни куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

1 – жадвал.

“Тўй” концептини воқелантирувчиларининг гендер жиҳатлари

Эркак ва аёлга нисбатан бирдек ишлатилиши мумкин бўлган бирликлар	
<i>Инглиз тилида:</i>	<i>Ўзбек тилида:</i>
To wed Get hitched Get married Get spliced Be joined in marriage/matrimony Tie the knot Walk down the aisle	Бир ёстикқа бош қўймоқ Бир оиланинг ота – онаси бўлмоқ Оила қурмоқ Оила қилмоқ Тенгини топмоқ Юлдузи юлдузига қўшилмоқ Турмуш қилмоқ
Фақат эркаклар учун ишлатиладиган бирликлар:	
To wife	Уйланмоқ Бошини икки қилмоқ Келин қилмоқ Оёғи тўртта бўлмоқ Ола хўржин бўйнига тушмоқ
Фақат аёллар учун ишлатиладиган бирликлар:	
To husband	Турмушга чиқмоқ Эрга тегмоқ Бировнинг уйига бормоқ Кузатилмоқ Эгасига топширмоқ Чиқармоқ Қутилмоқ Уйли бўлмоқ

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, ҳар икки тилда эркак ва аёлларига нисбатан бирдек ишлатилиши мумкин бўлган бирликлар билан бир қаторда, фақат эркаклар ёки фақат аёллар учун ишлатилувчи бирликлар ҳам мавжуддир, шу ўринда айтиш жоизки, ўзбек тилида бундай фарқланиш инглиз тилига қараганда кўпроқ учрайди.

МУҲОКАМА

Тилларда “тўй” концепти вербализаторларининг коммуникатив – прагматик жиҳатлари таҳлилига асосланган ҳолда, уларни асосан қуйидаги турларга таснифлаштиришимиз мумкин [4] :

- Воқеликни қандай акс эттиришига кўра;
- Қамровига кўра;
- Ҳаётга яқинлиги ва амалга ошиш эҳтимоллигига кўра.

“Тўй” концепти вербализаторлари коммуникатив – прагматик жиҳатларининг воқеликни акс эттиришига кўра турлари. Воқеликни қандай акс эттиришига кўра “тўй” концепти вербализаторлари қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

1) **Ижобий:**

Инглиз тилида: newlyweds, bridesmaids, nuptials, to get married, familywisely, bride-to-be, pageboy, wedding vows, a wedding present, wedding anniversary, a marriage ceremony, to make a good match, to marry for love, Weddings are great places to meet people, One wedding brings another, A wedding is not a wedding without the feast [5].

Ўзбек тилида: тўйбоп, тўёна, тўйловчи, тўй-томоша, куёвбоп, келинбоп, тўй маросими, тўй эгалари, тўй куни, тўй базми, тўй оқшоми, тўй кечаси, Қудачилик минг йилчилик; Тўйда сўз бер бахшига, харидор бўл яхшига; Тўйнинг “бўлди – бўлди”си қизиқ; Келиннинг келдиси яхши, тўйнинг бўлдиси яхши;

2) **Салбий:**

Инглиз тилида: divorcing, shotgun marriage, to get divorced, to marry for a home, to marry into money, Wedlock is padlock; Three rings of marriage are the engagement ring, the wedding ring and the suffering; The wife cries before the wedding, the husband after; The most dangerous food is wedding cake;

Ўзбек тилида: тўйпараст, хотинкалажларча, хотинчасига, тўйни бузмоқ, тўйни совутмоқ, тўйни азага айлантирмоқ, бошини очиб қўймоқ, талоқ қилмоқ; Тўйлар тўймас оши, чарчагунча иши; Тўй оши – тўполон оши; Қизни эркига қўйсанг, ўйинчига тегар; Қариндошдан қарз олма, қариндошга қарз берма, қариндошдан қиз олма, қариндошга қиз берма; Ит тўйи жанжалсиз ўтмас; Тўйликнинг тўйча ташвиши бор, уйликнинг уйча ташвиши бор; Ёмон эркак тўй бузар, ёмон хотин – уй.

“Тўй” концепти вербализаторлари коммуникатив – прагматик жиҳатларининг қамровига кўра турлари. Қамровига кўра “тўй” концепти вербализаторлари *мутлақ ва номутлақ* каби турларга бўлинади:

1. **Мутлақ:**

Инглиз тилида: wedding day, Big Day, wedding traditions, wedding ceremony, wedding rituals, to pair off, Maidens should be meek until they be married; Marry your son when you will, your daughter when you can; Marriage halves our griefs, doubles our joys and quadruples our expenses, A wedding is not a wedding without the feast [6] ;

Ўзбек тилида: тўйчилик, тўй-хашам, маросим, зиёфат, никоҳ, фотиҳа, келин, куёв, Хусусан икки вақт элнинг ёнида бўлинг [7] . Бири— тўйида. Элнинг тўйини белингизни беш жойидан бойлаб хизмат қилиб, ўйнаб-кулиб, хуш-хушвақт ўтказиб беринг. Тўй кўпники, ҳа; Куёв тарафдан фотиҳа тўй келди [8]. Фотиҳа тўйида қўй, зиғир мой, гуруч, майиз... бўлди. Тўйловчилар атаган совға-саломларини рўмолга ташлади. Биров бир

кийимлик атлас ташлади, биров шойи ташлади. Рўмол деярли тўлди. Дуо эзгу бўлди: - Тўйники тўйда қайтсин!

2. Номутлак:

Инглиз тилида: to hear the sound of wedding bells, to alter one's condition, to go down the aisle, to pop the question, ruby wedding, wooden wedding, silver wedding, golden wedding, diamond wedding [9]; Bachelor's fare: to please one's eye and plague one's heart, bread, cheese and kisses;

Ўзбек тилида: куёвчиқди, куёвқочди, ўғил тўйи, мучал тўйи, хатна тўйи, соч тўйи, тиш тўйи, бешик тўйи, никоҳ тўйи, олтин тўй, кумуш, олмос тўй, суннат тўйи, ҳовли тўйи, фотиҳа тўйи, нон синдирмоқ, фотиҳа бермоқ, Тўйнинг боши – бошлангунча [10]; Тўй оши – тўполон оши; Кўпга келган тўй.

“Тўй” концепти вербализаторлари коммуникатив – прагматик жиҳатларининг ҳаётга яқинлиги ва амалга ошиш эҳтимоллигига кўра турлари. Ҳаётга яқинлиги ва амалга ошиш эҳтимоллигига кўра “тўй” концепти вербализаторлари куйидаги турларга бўлинади [11]:

1) Ҳаётгий (реал):

Инглиз тилида: Keep your eyes wide open before marriage and half shut afterwards [12]; A wedding is the formality a man has to go through before going to work for a new boss, match-making, Be sure before you marry of a house wherein to tarry [13]; A wedding is the last gasp of your childhood family; Like mother, like daughter;

Ўзбек тилида: уйламоқ, тўйламоқ, никоҳланмоқ, унаштирмоқ, тўй чиқимлари, беками-кўст туй, Тўйга борсанг, тўйиб бор. Бойга келин бўлгунча, камбағалга қиз бўл; Агар хотининг яхши бўлса, тўйга бормоқ не даркор, агар хотининг ёмон бўлса, аъзага бормоқ не даркор; ҳар ким тўйган тўйини мақтар [14]; Тўй (тўёна) – ўғиллининг ўғлидан, қизлининг қизидан қайтар; Камбағалнинг тўйи тўкин бўлар, бойнинг тўйи юпун бўлар;

2) Афсонавий (нореал):

Инглиз тилида: An invitation to a wedding invokes more trouble than a summons to a police court does, Marry your daughters betimes, lest they marry themselves; Marry in May, rue for eye; If you can survive the wedding, they say, the rest is a piece of cake, Happy is a bride that the sun shines on; One for sorrow, two for mirth; three for a wedding, four for a birth;

Ўзбек тилида: тўйчи, тўйбоши, юзочди, келинсалом, тўй бермоқ, тўй олмоқ, тўй кўрмоқ, тўйнинг юки, қулоғини тишлаб қўймоқ, Отангни уриб ўлдирганга онангни бер; Тўйхона тўла тўйловчи бўлди; Тўй ўпкасиз ўтмас; Тўйим ўзди, тўним тўзди; Бир бугина эмас, қиз чиқаратурған, ўғул уйлантирадирған, суннат тўйи қила-дирған хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашидан ташқари жўната олмас эдилар. Ўзбек ойим аралашқан тўйлик хотинларнинг кўнгилларидаги орзу ҳаваслари ҳам эрлари томонидан камчиликсиз бажарилар, чунки «Ўзбек ойим шундоғ буюрдилар» деган сўз эрлар учун ҳам фарз каби эшитилиб, Ўзбек ойимнинг айтканича ҳозирлик кўрила бошланар эди.

ХУЛОСА

Юқоридаги коммуникатив – прагматик жиҳатлар бўйича олиб борган таҳлилларимизга асосланган ҳолда айтишимиз мумкинки, қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларида “тўй” концепти вербализаторларининг коммуникатив – прагматик турларининг ҳар бирига мисоллар учрайди ва мулоқотда ўзига хос вазифаларни бажаради;

Ўзбек ва инглиз тилларида *турмуш қурмоқ* маъносини англатувчи бирликлар ўрганилганда, уларнинг мулоқотда ишлатилишида ўзбек тилида гендер жиҳатидан фарқлар сезилиши яққол намоён бўлди, инглиз тилида эса бу ҳолат камроқ кузатилди;

Ҳар иккала тилдаги мисолларни ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, “тўй” концепти вербализаторлари бир қанча коммуникатив – прагматик турлар (ижобий, салбий, мутлак, номутлак, ҳаётий (реал), афсонавий (нореал) га бўлинади, уларнинг мулоқотдаги ўрни ва аҳамияти катта. Улар тилларда, шу жумладан, қиёсланаётган тилларда умумлисоний қонуниятларни ташкил этади десак, муболаға бўлмайди.

REFERENCES

1. Сафаров Ш. С. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008. – Б. 76.
2. Abdullayevna, K. N. (2022). Aphorisms in Different Language Syste Linguoculturological Research. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 325-328.
3. Makhmudovna, K. G. (2022). Creative Strategies to Improve Vocabulary Teaching. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(10), 259-261.
4. Bahridinov, M. M., Turgunov, D. B., & Tojiboyev, I. M. (2020). SOME PROBLEMS OF LEXICAL INVESTIGATION OF THE NOVEL ULYSSES BY JAMES JOYCE. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(1), 208-212.
5. Nozima, G. (2021). Замоनावий тилшуносликда термин тушунчаси ва кўп компонентлик терминларнинг таҳлили. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(6).
6. Khasanovna, G. D. LEXICAL SEMANTIC ANALYSIS “EDUCATIONAL ESTABLISHMENTS” IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.
7. Oxunov, A. O. O. (2021). INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA UNDOV SO’ZLAR (INTERJECTION) NING IFODALANISHI. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 401-406.
8. Абдухалимова, С. (2022). THE CONCEPT AND CONTENT OF INTERCULTURAL DISCOURSE. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 5(4).
9. Abdumutaljonovna, P. S. (2022). Main Characteristics of Advertising Discourse in Modern Linguistics. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 9, 173-176.
10. Ismoilova, G. (2021). FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR KLASSIFIKATSIYASI. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
11. Kochkorova, Z. A. (2022). THE COMPARATIVE ANALYSIS OF THE VERBALIZERS OF THE CONCEPT OF “WEDDING” IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(6), 250-253.
12. Qizi, O. S. Z., & OGI, A. M. B. The Influence of Multilingualism in Learning a New Language.
13. Oxunov, A. O. O. (2021). INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA UNDOV SO’ZLAR (INTERJECTION) NING IFODALANISHI. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 401-406.
14. Gafurova, N. I. (2021). Structural-semantic classification of construction terms in English and Uzbek languages. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 571-575.